

5. Асосий воситалар ва уларнинг эскириши ҳисоби

Асосий воситалар - корхона томонидан узоқ муддат давомида хўжалик фаолиятини юритишда маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш мақсадида фойдаланиш учун тутиб туриладиган моддий активлардир.

«Асосий воситалар» деб номланган 5-сон БҲМСга кўра асосий воситалар таркибига қуйидаги мезонларга бир вақтнинг ўзида жавоб берадиган моддий активлар киритилади:

- а) бир йилдан ортиқ хизмат муддати;
- б) бир бирлик (тўплам) учун қиймати Ўзбекистон Республикасида (харид пайтида) белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг эллик бараваридан ортиқ бўлган буюмлар.

Жамият раҳбари ҳисобот йилида буюмларни асосий воситалар таркибида ҳисобга олиш учун улар қийматининг энг кам чегарасини белгилашга ҳақли.

«Асосий воситалар» деб номланган 5-сон БҲМСга кўра асосий воситалар қиймати амортизацияни ҳисоблаш йўли билан сўндирилади. Амортизацияланадиган қиймат бутун фойдали хизмат муддати мобайнида субъект харажатларига амортизация ажратмалари кўринишида мунтазам тақсимланади.

Асосий воситалар бўйича амортизация ажратмаларини ҳисоблаш мазкур объект асосий воситалар таркибига қабул қилинган ойдан кейинги ойнинг дастлабки санасидан бошланади ҳамда мазкур объектнинг амортизацияланадиган қиймати тўлиқ сўндирилгунга ёхуд ушбу объект баланс ҳисобидан чиқарилгунга қадар амалга оширилади.

Ҳисобот йили давомида асосий воситалар бўйича амортизация ажратмалари қўлланиладиган ҳисоблаш усулидан қатъи назар (амортизацияни ҳисоблашнинг ишлаб чиқариш усулидан ташқари), йиллик сумманинг 1/12 миқдорида ҳар ойда ҳисобланади.

Жамиятда юритилган бухгалтерия ҳисоби маълумотларига кўра 2021 йил 1 январь ҳолатига асосий воситаларнинг бошланғич қиймати 2 573 558 916 сўмни ташкил этган бўлиб, йил давомида кирим ва чиқим бўлмаган. 2021 йил 31 декабрь ҳолатига асосий воситаларнинг бошланғич қиймати 2 573 558 916 сўмни ташкил этган.

Жамиятда асосий воситаларга эскириш ҳисоблашнинг тўғри чизиқли усули қўлланилган бўлиб, қуйидаги эскириши меъёрлари қўлланилган:

- Бинолар – йиллик 3 фоиз;
- Мебель ва офис жиҳозлари – йиллик 15 фоиз;
- Компьютер ва ҳисоблаш техникаси – йиллик 20 фоиз;
- Транспорт воситалари – йиллик 15 фоиз.

Жамиятда юритилган бухгалтерия ҳисоби маълумотларига кўра 2021 йил 1 январь ҳолатига асосий воситаларнинг эскириши қиймати 341 104 146 сўмни ташкил этган бўлиб, йил давомида юқорида кўрсатиб ўтилган йиллик эскириш меъёрлари асосида жами 172 438 177 сўм эскириш ҳисобланган. Йил давомида эскириши қиймати ҳисобдан чиқарилмаган ва 2021 йил 31 декабрь ҳолатига асосий воситаларнинг эскириш қиймати 513 542 324 сўмни ташкил этган.

«Бухгалтерия баланси» №1-сонли шакл ҳисоботида асосий воситаларнинг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати 010-сатрда, эскириши суммаси 011-сатрда, қолдик (баланс) қиймати эса 012-сатрда акс эттирилади.

Аниқланди: жамият томонидан 2021 йил учун тузилган бухгалтерия балансида акс эттирилган асосий воситаларнинг қиймати қуйидагини ташкил этган:

(минг сўмда)

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ҳисобот даври бошига	Ҳисобот даври охирига	кўпайиши, (камайиши)
Бошланғич (қайта тиклаш)	010	2 573	2 573	-
Эскириш суммаси	011	341 104	513 542	172 438
Қолдик (баланс) қиймати (010–	012	2 232 455	2 060 017	(172 438)

Жамият асосий воситаларининг бошланғич қиймати ҳисобот даври охирида ҳисобот даври бошига нисбатан ўзгаришсиз қолган, эскириши қиймати ҳисобот даври охирида ҳисобот даври бошига нисбатан 172 438 минг сўмга ортган, қолдиқ қиймати эса ҳисобот даври охирида ҳисобот даври бошига нисбатан 172 438 минг сўмга камайган.

6. Асосий воситалар ва капитал қўйилмалар аудити

Биз, жамият томонидан аудит учун тақдим этилган ҳужжатларга асосан, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида тайёрланган бухгалтерия молиявий ҳисоботларини аудитнинг халқаро стандартлари (АХС)га мувофиқ аудитдан ўтказдик.

Асосий воситалар ва капитал қўйилмаларни аудитдан ўтказишда биз томондан қуйидаги ҳужжатлар ўрганилди:

2021 йил 31 декабрь ҳолатига шакллантирилган Бухгалтерия (молиявий)

ҳисоботлари;

01,02,07,08 счетлар бўйича аналитик ва синтетик ҳисоб регистрлари;

Асосий воситаларнинг инвентар карточкалари;

Шартномалар ва ёзишмалар;

Моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартномалар;

Амортизация ҳисоблаш қайдномалари;

Асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш, ҳисобдан чиқариш далолатномалари бошқа ҳар хил бирламчи ҳужжатлар.

Аудитни ўтказишда қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан амалий қўлланма сифатида фойдаланилди:

Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуни (ЎЗР 13.04.2016 й).

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (ЎЗР 30.12.2019 й. ЎРҚ-599-сон Қонуни билан тасдиқланган)

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти 5-сон БҲМС "Асосий воситалар" (АВ. 20.01.2004 й. рр. 1299).

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти 24-сон БҲМС "Қарзлар бўйича харажатлар ҳисоби"(АВ. 18.08.2009 й.рр 1996).

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти 19-сон БҲМС "Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш"(АВ. 2.11.1999 й.).

7.Узоқ муддатли инвестициялар ҳисоби

Бошқа корхоналарнинг қимматли қоғозларига, мамлакат ҳудудида ва хорижда тузилган шўъба ва қарам хўжалик жамиятлари ва бошқа корхоналарнинг устав капиталларига қилинган узоқ муддатли инвестициялар (қўйилмалар)нинг мавжудлиги ва ҳаракати, шунингдек бошқа корхоналарга тақдим этилган, берилган узоқ муддатли қарзлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш (АВ 30.05.2017 й. 1181-3-сон билан рўйхатга олинган МВ Буйруғи таҳриридаги хатбоши) 0610 "Қимматли қоғозлар", 0620 "Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар", 0630 "Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар", 0640 "Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар", 0690 "Бошқа узоқ муддатли инвестициялар" счётларида амалга оширилади:

«UZTRADE» акциядорлик жамияти

Жамиятда юритилган бухгалтерия ҳисоби маълумотларига кўра, 2021 йил ҳисобот даври бошига узоқ муддатли инвестицияларнинг қиймати 13 016 939 654 сўмни ташкил этган. Йил давомида жамиятга тегишли акциялар қайта баҳоланган ва 46 960 041 128 сўмга кўпайган. Шу сабабли, 2021 йил 31 декабрь ҳолатига узоқ муддатли инвестициялар қиймати 59 976 980 782 сўмни ташкил этган.

Жамиятда узоқ муддатли инвестициялар куйидагилардан иборат бўлган:

(сўмда)

Ташкилотлар номи	Давр бошига қолдик	Айланма		Давр охирига қолдик
		Дебет	Кредит	
Акциялар				
"Узинтеримпэкс" АЖ	6 484 434 089	21 044 981 307		27 529 415 396
"Узмарказимпэкс" АЖ	6 296 321 622	25 902 354 713		32 198 676 335
Жами	12 780 755 711	46 947 336 020	0	59 728 091 731
Пай ва улушлар				
"TRADE HOUSE UZTRADE Sofia" LTD	10 401 093			10 401 093
MMC "UZTREYD BAKI"		12 705 108		12 705 108
Uz-American Trade Corp. савдо уйи	41 508 900			41 508 900
"Торговий дом "Uztrade" МЧЖ (Украина)	18 901 722			18 901 722
"ХС Узтрейд Таджикистан" МЧЖ	45 406 301			45 406 301
ТОО "Центрально-Азиатский Торговий дом" (Казахстан) савдо уйи	20 714 381			20 714 381
"UZIN Trading House Private Ltd" (Индия) савдо уйи	3 530 998			3 530 998
"UZTARDE-LV" (Латвия) савдо уйи	7 720 392			7 720 392
"УзБелТрейд" МЧЖ (Беларусь) савдо уйи	38 000 155			38 000 155
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси	50 000 000			50 000 000
Жами	236 183 943	12 705 108	0	248 889 051
Ҳаммаси	13 016 939 654	46 960 041 128	0	59 976 980 782

«Бухгалтерия баланси» №1-сонли шакл ҳисоботида узоқ муддатли инвестицияларнинг қиймати 030-сатрда акс эттирилади.



Аниқланди: жамият томонидан 2021 йил 31 декабрь ҳолатига тузилган бухгалтерия балансида аке эттирилган узоқ муддатли инвестициялар қиймати қуйидагича бўлган.

(минг сўмда)

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ҳисобот даври бошига	Ҳисобот даври охирига	кўпайиши, (камайиши)
Узоқ муддатли инвестициялар, жами	030	13 016 940	59 976 981	46 960 041
Қимматли қоғозлар	040	12 780 756	59 728 092	46 947 336
Қарам хўжалик жамиятларига	022	236 184	248 889	12 705

Жамиятда узоқ муддатли инвестициялар қиймати ҳисобот даври охирида ҳисобот даври бошига нисбатан 46 960 041 минг сўмга кўпайган.

8. Ишлаб чиқариш захиралари аудити

Ишлаб чиқариш захираларини аудитдан ўтказишда биз томондан қуйидаги ҳужжатлар ўрганилди:

2021 йил 31 декабрь ҳолатига шакллантирилган Бухгалтерия (молиявий) ҳисоботлари;

Ишлаб чиқариш захираларининг (10,15,20,21,28,29 сётлар бўйича) аналитик ва синтетик ҳисоб регистрлари;

Шартномалар ва ёзишмалар;

Моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартномалар;

Моддий ишлаб чиқариш захираларини қабул қилиш ва ҳисобдан чиқаришга юк хатлари, далолатномалар, сёт-фактуралар ва бошқа бирламчи ҳужжатлар.

Товар-моддий захиралар - кейинчалик сотиш мақсадида нормал фаолият юритиш жараёнида тутиб туриладиган ва ишлаб чиқариш жараёнида мавжуд бўлган, шунингдек маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган моддий активлардир.

Товар моддий захиралари бухгалтерия балансининг 140-сатрида жамланиб, у ўз ичига 150-сатр ишлаб чиқариш захираларини (1000, 1100, 1500, 1600 сётлар), 160-

сатр тугалланмаган ишлаб чиқаришни (2000, 2100, 2300, 2700 счётлар), 170-сатр тайёр маҳсулотни (2800 счёт), 180-сатр товарларни (2900 счёт) ўз ичига олади.

Ишлаб чиқариш захираларининг (10,15,20,21,28,29 счётлар бўйича) аналитик ҳисоб регистрларига асосан 2021 йил 01 январ ҳолатига ишлаб чиқариш захиралари қолдиғи 3 626 620 минг сўмни ташкил этган, йил давомида ишлаб чиқариш захиралари 128 523 894 минг сум олинган ва 126 598 838 минг сўмга камайган ва йил охирига 2021 йил 01 январ ҳолатига қолдиқ 5 551 676 сўмни ташкил этган.

Жамиятда юритилган бухгалтерия ҳисоби маълумотларига кўра товар моддий захираларининг 2021 йилдаги ҳаракати қуйидагича бўлган:

(сўмда)

Счет		Давр бошига қолдиқ	Айланма		Давр охирига қолдиқ
Код	Номланиши		Дебет	Кредит	
10.30	Ёқилғи		110 586 918	110 586 918	
10.80	Инвентар ва хўжалик жиҳозлари		3 404 154	3 404 154	
10.90	Бошқа материаллар	1 197 620	8 228 939	6 303 883	3 122 676
10.93	Бошқа материаллар	2 429 000	6 303 883	6 303 883	2 429 000
	Жами	3 626 620	128 523 894	126 598 838	5 551 676

«Бухгалтерия баланси» №1-сонли шакл ҳисоботида товар моддий захираларининг қиймати 140-сатрда акс эттирилиб, улар бухгалтерия балансининг 150, 160, 170 ва 180-сатрлари йиғиндисидан иборат.

Аниқланди: жамият томонидан 2021 йил 31 декабрь ҳолатига тузилган бухгалтерия балансида акс эттирилган товар-моддий захираларининг қиймати қуйидагича бўлган:

(минг сўмда)

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ҳисобот даври бошига	Ҳисобот даври охирига	кўпайиш и, (камайиш и)
Товар-моддий захиралари, жами	140	3 627	5 552	1 925
Ишлаб чиқариш захиралари	150	3 627	5 552	1 925

Жамиятда товар моддий захираларининг қиймати ҳисобот даври охирида ҳисобот даври бошига нисбатан 1 925 минг сўмга кўпайган.

Жамиятнинг молиявий ҳолати (Жамият баланси) тўғрисида 2021 йил 31 декабрь ҳолатига шакллантирилган ҳисобот кўрсаткичлари (балансининг 140 сатри) билан аналитик ва синтетик ҳисоб регистрлари ўрганилганда улар ўртасида фарқ аниқланмади.

Ўтказилган ўрганиш натижаларига асосан:

- ✓ Жамиятда қўлланилаётган дастлабки ҳужжатлар тасдиқланган шаклларга мос келади;
- ✓ Мовар-моддий бойликларни олиш учун ишончномалар амалдаги қонунчиликка мувофиқ электрон расмийлаштирилган. Ишончнома бериш тартибига риоя этилган;
- ✓ қабул қилиш ҳужжатлари асосида товарлар рўйхатдан ўтказиб борилган ва ўз вақтида омборга кирим қилинган ва жамиятнинг бухгалтерия бўлимида ҳисобга олинган;
- ✓ Жамиятда инвентаризациянинг ички ҳаракатини тегишли ҳужжатлар билан қайта расмийлаштириш тартиби ўрнатилган;
- ✓ Моддий бойликларнинг сақланиши устидан назоратни таъминлаш чоралари кўрилган. Бунинг учун жамият раҳбарининг буйруғи билан тайинланган моддий қимматликларни сақлашга масъул бўлган моддий жавобгар шахслар белгиланган, улар билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартномалар тузилган;
- ✓ Моддий жавобгар шахсларга моддий захираларни сақлашни таъминлаш учун шароитлар яратилган, моддий захиралар сақланадиган хоналар, шкафлар, сейфлар мавжуд;
- ✓ Жамият раҳбарининг буйруғи билан хавфсизликни текшириш ва инвентаризацияни ҳисобдан чиқариш учун тайинланган доимий комиссия тузилган;
- ✓ Инвентаризация натижалари учет регистрларида ўз вақтида қайд этиб борилган.

10. Импорт битимлар бўйича сотиб олинган товар моддий қийматликларни бухгалтерия ҳисоботларида акс эттириш таҳлили

Ўрганиш давомида биз, жамият томонидан тақдим этилган ҳужжатларга асосланиб, импорт битимлар бўйича сотиб олинган товар моддий қийматликларни

бухгалтерия ҳисоботларида акс эттириш ҳолатини амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлигини аудитдан ўтказдик.

Аудитни ўтказишда қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан амалий қўлланма сифатида фойдаланилди:

Ўзбекистон Республикаси “Божхона кодекси” (Ўзбекистон Республикасининг 20.01.2016 й. ЎРҚ-400-сон Қонуни билан тасдиқланган)

Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”(Ўзбекистон Республикасининг 21.12.1995 й. 163-И-сон ва 29.08.1996 й. 256-И-сон Қонунлари билан тасдиқланган).

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (ЎЗР 30.12.2019 й. ЎРҚ-599-сон Қонуни билан тасдиқланган)

22-сон БҲМС “Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби”(АВ.2004 йил 21 май. рр. 1364) ;

4-сон БҲМС "Товар-моддий захиралар"(АВ. 17.07.2006 й. рр. 1595).

22-сон БҲМСга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга асосан (АВ 20.08.2018 й. 1364-3-сон билан рўйхатга олинган) чет эл валютасида харид қилинган товар-моддий захираларни баҳолаш, уларнинг харид қилинганлигини тасдиқловчи бошланғич ҳисоб ҳужжатларида (товарнинг кузатув ҳужжатлари ёки божхона юк декларациясида) кўрсатилган кийматидан келиб чиқиб, активларни бухгалтерия ҳисобига қабул қилиш (мулк ҳуқуқини харидорга ўтиши) санасидаги Марказий банк курси бўйича қайта ҳисоблаш орқали аниқланади.

Материаллар импорт шартномалари бўйича харид қилинганда, 1510-"Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш" счётидан фойдаланилади. Ушбу счётнинг дебитида олинган материаллар таннархи шакллантирилади. Мулкчилик ҳуқуқи ўтган пайтдан бошлаб шартнома шартларига мувофиқ улар қайта баҳоланмайди. Фақат қарз сўндирилгунига қадар етказиб берувчи олдидаги кредиторлик қарзи қайта баҳоланади (22-сон БҲМСнинг 15, 16-бандлари).

1510-"Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш" счётида "Эркин муомалага чиқариш" (ИМ-40) режимида расмийлаштириш чоғида божхона божларини тўлашга доир харажатлар ҳам акс эттирилади.

Материаллар ИМ-40 режимига қисма-қисм расмийлаштирилдиган бўлса, Жамият материалларнинг тегишли қисми омборга келиб тушиши билан уларни

харид қилиш билан боғлиқ тақсимланган умумий харажатларни ҳисобга олган ҳолда шакллантирилган таннархи бўйича 1510-счётдан 1010-"Хом ашё ва материаллар" счётига ўтказилиши лозим (Йўриқноманинг 114-банди 9-кичик банди, АВ томонидан 23.10.2002 йилда 1181-сон билан рўйхатдан ўтказилган 21-сон БҲМСга 2-илова).

22-сон БҲМС "Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби" (АВ 20.08.2018 й. 1364-3-сон билан рўйхатга олинган) стандартининг 1-илласига мувофиқ чет эл валютасида амалга оширилган операцияларнинг тан олиш (бухгалтерия ҳисобида акс эттириш) санасини аниқлашда қуйидаги қоидаларга риоя этиш мақсадга мувофиқдир:

**Чет эл валютасида айрим операцияларни
амалга ошириш саналарининг
РҲЙХАТИ**

Чет эл валютасидаги операциялар	Чет эл валютасида амалга оширилган операцияларнинг санаси
Чет эл валютасидаги банк ҳисобварақлари бўйича операциялар	Чет эл валютасидаги пул маблағларининг банкдаги ҳисобварақларга келиб тушиш ёки уларни банкдаги ҳисобварақлардан ҳисобдан чиқариш санаси
Чет эл валютасидаги касса операциялари	Чет эл валютасини кассага кирим қилиш ёки уларни кассадан бериш санаси
Чет эл валютасидаги даромадлар	Чет эл валютасидаги даромадларни тан олиш санаси
Чет эл валютасидаги харажатлар	Чет эл валютасидаги харажатларни тан олиш санаси
Товар-моддий захиралари ва бошқа активларни баҳолаш	Товар-моддий захиралари ва бошқа активларнинг харид қилинганлигини тасдиқловчи бошланғич ҳисоб ҳужжатлари (товарнинг кузатув ҳужжатлари ёки божхона юк декларацияси) мавжуд бўлганда, уларни бухгалтерия ҳисобига қабул қилиш санаси
Ходимларнинг ҳисобдор суммалари бўйича чет эл валютасидаги қарзларини акс эттириш	Бўнак ҳисоботини тасдиқлаш санаси



Чет эл валютасидаги қарзларнинг тўланиши	Чет эл валютасидаги қарзларни тўлаш санаси
Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлар бўйича қарздорлигининг юзага келиши	Юридик шахс мақомини олиш санаси
Устав капиталининг шаклланиши (кўпайиши)	Устав капиталига таъсисчилар томонидан улушларини киритиш санаси

Товар-моддий захираларга бўлган мулк ҳуқуқи, улар билан боғлиқ таваккалчилик ва мукофотларнинг ўтиш пайти, маҳсулот етказиб бериш (олди-сотди) шартлари келишиладиган маҳсулот етказиб бериш (олди-сотди) шартномаси асосида белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 185 моддасига асосан шартнома асосида мол-мулк олувчида мулк ҳуқуқи, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ашё топширилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Инкотермс-ҳалқаро савдо атамалари билан тартибга солинадиган қоидаларнинг асосий принципларидан бири **товарни етказиб бериш санаси**, яъни товарни сотувчи томонидан харидор тасарруфига ёки унинг номидан иш кўрадиган шахсга ўтказиб бериш вақтини аниқлашдан иборат.

Инкотермс - товарларнинг халқаро, 2020 йилдан эса хатто миллий олди-сотди шартномасининг шартларидан бири бўлиб, томонларнинг ўзаро мажбуриятлари тизимини акс эттиради.

«UZTRADE» акциядорлик жамиятининг импорт шартномалари шартларига кўра мулк ҳуқуқи сотувчидан харидорга ўтган сана юкни терминалга етиб келганлиги тўғрисида кузатув ҳужжатларига божхона белги қўйган пайтдан ҳисобга олиниши (70-“Вақтинча сақлаш” режими) белгиланган.

Импорт битимлар бўйича харид қилинган товар-моддий қийматликларни бухгалтерия ҳисобида қайд этиш (товарни етказиб бериш санаси)ни ҳолати танланма усулда ўрганилганда. Жамиятда импорт битимлар бўйича харид қилинган товар-моддий қийматликларни бухгалтерия ҳисобида қайд этишда юк божхона декларациясини тўлдириш ва божхона тўловлари ҳамда йиғимларини тўлаш санасидаги Марказий банк курси қўлланилганлиги (40 “Эркин муомалага чиқариш(импорт)” божхона режими) маълум бўлди. Жамиятда 2021 йил давомида



Импорт битимлар бўйича харид қилинган товар-моддий қийматликлар бўйича ишлар амалга оширилмаган ва бухгалтерия ҳисобида қайд этилмаган.

4-сон БХМС "Товар-моддий захиралар"(р. АВ N 1595, 17.07.2006 й.) 8-бандига мувофиқ товар-моддий захиралар актив сифатида тан олинади, агар:

- ✓ ташкилотга актив билан боғлиқ келгусидаги иқтисодий наф келишига ишонч мавжуд бўлса;
- ✓ актив қийматини ишончли баҳолаш мумкин бўлса;
- ✓ уларга бўлган мулк ҳуқуқи ўтса.

Жамиятнинг импорт битимлари шартларига кўра “Товарни етказиб бериш санаси”-сотувчидан харидорга мулк ҳуқуқи ўтган сана ҳисобланади. Мулк ҳуқуқи сотувчидан харидорга ўтган сана юкни терминалга етиб келганлиги тўғрисида кузатув ҳужжатларига божхона белги қўйган пайтдан ҳисобга олинади.

Олдин амалда бўлган тартибга асосан юк божхона декларациясини тўлдириш ва божхона тўловлари ҳамда йиғимларини тўлаш санасидаги Марказий банк курси қўлланилган (40 “Эркин муомалага чиқариш(импорт)” божхона режими).

Товар моддий захираларни баҳолаш бўйича операцияларни нотўғри акс эттириш маҳсулот таннархини шакллантиришда ноаниқликларни юзага келтиради, солиқ солинадиган фойдани ва шунга мувофиқ солиқ солиш базасини нотўғри аниқлашга сабаб бўлади.

Тавсия этилади:

1. Импорт битимлар бўйича сотиб олинган товар моддий қийматликларни бухгалтерия ҳисобини ўз вақтида тўғри юритишга аҳамият қаратиш. Ҳисобни юритиш бўйича дастурлар(1 С, 1 UZ ва бошқалар)ни таъминлайдиган ташкилотларга дастур конфигурациясига тегишли ўзгартишлар киритиш юзасидан муурожаат қилиш.

2. Маҳсулот таннархини шакллантиришда ноаниқликларни бартараф этиш ҳамда солиқ солинадиган фойдани ва шунга мувофиқ солиқ солиш базасини тўғри шакллантириш.

3. Бухгалтерия ҳисоботларидаги ҳатоликлар учун тегишли ташкилотлар томонидан маъмурий жавобгарлик кодексида белгиланган жарималарни (МЖТКнинг 175-1 моддаси) ҳамда молиявий санкцияларни қўлланилишини олдини олиш.

11. Ҳаридор ва буюртмачилар билан амалга оширилган ҳисоб-китоблар аудити

Тайёр маҳсулотлар ва товарларни реализация қилиш бўйича ҳаридор ва буюртмачилар билан амалга оширилган ҳисоб-китобларни аудитдан ўтказишда реализация қилинган товарлар учун харидорлар билан ҳисоб-китоблар ҳолати ўрганилди.

Дебиторлар ҳисоби

Дебиторлар бухгалтерия балансининг 210-сатрида жамланиб, у бухгалтерия балансининг 220, 240, 250, 260, 270, 280, 290, 300, 310 сатрларининг йигиндисидан иборат.

Жамиятда юритилган бухгалтерия ҳисоби маълумотларига кўра, дебиторларни ҳисобга олувчи счётларнинг 2021 йилдаги айланмаси куйидагини ташкил этган:

(сўмда)

Счёт		Валюта	Давр бошига қолдиқ	Айланма		Давр охирига қолдиқ
Счётлар т/р	Номланиши			Дебет	Кредит	
40	Олинадиган счётлар	UZS USD	19 566 446 683 1 809 675	665 450 373 321 62 502 433	664 257 896 304 62 429 475	20 758 923 699 1 882 637
42	Ходимларга берилган бўнақларни ҳисобга олувчи счётлар	UZS	10 047 888	208 439 683	218 399 546	88 025
43	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақларни ҳисобга олувчи счётлар	UZS	40 358 975 273	677 762 324 601	672 817 352 074	45 303 947 799
		USD	4 191 941	63 585 136	63 282 004	4 118 969
44	Бюджетга бўнақ тўловларини ҳисобга олувчи счётлар	UZS	81 272 228	639 827 023	693 524 115	27 575 136
45	Мақсадли давлат жамғармаларига ва сўғурталар бўйича бўнақ тўловларини ҳисобга олувчи счётлар	UZS	1 301 915	218 976 592	204 682 555	15 595 951
47	Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзини ҳисобга олувчи счётлар	UZS	56 732 828	4 894 355	24 657 900	36 969 283
48	Турли дебиторлар қарзларини ҳисобга олувчи счётлар	UZS	1 620 679 179	3 855 439 512	3 940 707 592	1 535 411 100
	Жами	UZS USD	61 695 455 995 6 001 616	1 348 140 275 087 126 087 569	1 385 929 369 540 125 711 479	67 678 510 993 6 377 706

«UZTRADE» акциядорлик жамияти

Жамиятнинг 2021 йил 31 декабрь ҳолатига хорижий валютадаги дебиторлик қарзи 6 377 706 АҚШ долларини, миллий валютадаги дебиторлик қарз суммаси 67 678 510 993 сўмни ташкил этган.

Аниқланди: жамият томонидан 2021 йил 31 декабрь ҳолатига тузилган бухгалтерия балансида акс эттирилган дебиторларнинг қиймати қуйидагича бўлган:

(минг сўмда)

Кўрсаткичлар номи	Сат р коди	Ҳисобот даври бошига	Ҳисобот даври охирига	кўпайиши, (камайиши)
Дебиторлар, жами (220+240+250+260+270+280+290+300+310)	210	61 695 456	67 678 111	(5 982 655)
Харидор ва буюртмачиларнинг қарзи (4000 дан 4900 нинг айирмаси)	220	19 566 447	20 758 524	(1 192 077)
Ходимларга берилган бўнақлар (4200)	250	10 048	88	(9 960)
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар (4300)	260	40 358 975	45 303 948	(4 944 973)
Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича	270	81 272	27 575	(53 697)
Мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнақ тўловлари (4500)	280	1 302	15 596	14 294
Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзи (4700)	300	56 733	36 969	(19 764)
Бошқа дебиторлик қарзлари (4800)	310	1 620 679	1 535 411	(85 268)

Жамиятнинг дебиторлик қарзлари ҳисобот даври охирида ҳисобот даври бошига нисбатан 5 982 655 минг сўмга купайган.

Жамиятда юритилган бухгалтерия ҳисоби маълумотларига кўра, дебиторларни ҳисобга олувчи счётларнинг 2021 йилдаги айланмаси қуйидагини ташкил этган:

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БҲМС)да дебиторлик қарзлар тўлов (қарзни ёпиш) муддатига боғлиқ ҳолда қисқа ва узоқ муддатли дебитор қарзлар, деб тан олинсада балансда жорий дебитор қарзлар таркибида қайд этилади.

Баланс - бухгалтерия ҳисобини юритиш учун эмас, балки молиявий ҳисобот шаклини тўлдириш учун ягона стандарт ҳисобланади. Шу ўринда тўлов ундириш шубҳали ва ишончсиз бўлган узоқ муддатли дебитор қарзларни балансда қайд этишда ҳалқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда молиявий ҳисоботларнинг ҳалқаро стандартлари (МҲҲС)ни қўллаш мақсадга мувофиқдир.



Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари моҳиятига кўра дебитор қарздорлик молиявий актив ҳисобланади ва амортизацияланган қиймат бўйича ҳисобга олинган молиявий активлар гуруҳига киради. Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (МХҲС)нинг “Молиявий инструментлар” (МХҲС 9), деб номланган стандартнинг қоидаларини таҳлил этиш бундай хулоса чиқаришга асос ҳисобланади.

Мазкур стандартнинг 4.1.1 бандига асосан бундай активларни ҳисоботда қайд этиш мақсадида барча молиявий активлар амортизацияланган қиймат ва ҳаққоний қиймат бўйича баҳоланган иккита катта гуруҳга бўлинади.

Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (МХҲС)да дебитор қарздорликларни қайд этиш: БҲҲС (IAS) 32 «Молиявий инструментлар: тақдим этиш», БҲҲС (IAS) 39 «Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш», МХҲС (IFRS) 7 «Молиявий инструментлар: маълумотларни очиб бериш», деб номланган стандартларга мувофиқ юритилади. Савдо ва бошқа ҳар хил дебитор қарздорликлар молиявий актив ҳисобланади.

Дебитор қарзларни тўлаш муддатларини аниқлаш мақсадида мавжуд қарзларни ҳисобот йили охирида инвентаризациядан ўтказиш ва инвентаризация натижаларига кўра шубҳали ва ишончсиз қарзларни молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (МХҲС)га асосан оборотдан ташқари активлар таркибида ҳисобга олиш мумкин.

Бунда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сон БҲМС) "Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома"да белгиланган 0940 "Бошқа узоқ муддатли дебиторлик қарзлари" счётини қўллаш мумкин.

Тўлов ундириш шубҳали ва ишончсиз бўлган узоқ муддатли дебитор қарзларни тўлов (қарзни ёпиш) муддатига боғлиқ ҳолда жорий дебитор қарзлар ҳисобидан узоқ муддатли дебитор қарзлар таркибига ўтказишни 0940 "Бошқа узоқ муддатли дебиторлик қарзлари" счётининг дебети ва 4010 "Харидорлар ва буюртмачилардан олинган счётлар" счётининг кредити бухгалтерия ёзуви билан қайд этиш тавсия этилади.

Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (МХҲС)га мувофиқ Жамият ҳисобот йили охирига дебитор қарзларни тўлаш муддатларига қараб: ҳисобот давридан кейинги 12 ой мобайнида тўланидиган оборот активлар ёки тўлаш муддати 12 ойдан ошган узоқ муддатли (оборотдан ташқари) активлар таркибида ҳисобини юритади.

Белгиланган муддатда тўланмаган ёки ундирилмаган ва мувофиқ кафолатлар билан таъминланмаган дебиторлик қарзлар тўланиши шубҳали қарзлар, деб тан олинади. Бундай қарздорлик бўйича Жамият шубҳали қарзлар захирасини ташкил қилади.

Бу мақсадда дебитор қарзлар даражаси мавжудлик даврига боғлиқ ҳолда куйидагича белгиланади.

- 90 кун
- 90-180 кун
- 180-365 кун
- 365 кундан ошган

Резерв ҳажмини ҳар бир шубҳали қарз бўйича алоҳида, қарздорнинг молиявий аҳволи (тўлов қобилияти) ва қарз суммасини тўлиқ ёки қисман тўлаш эҳтимолини баҳолаш мезони асосида аниқлаш тавсия этилади.

Жамият етказиб берилган товар моддий бойликлар учун истеъмолчиларнинг маблағ тўламаслик эҳтимолини ўзининг ҳисоб сиёсатида куйидаги фоизларда белгилаши мумкин.

Кунлар	Маблағ тўламаслик эҳтимоли %
➤ 90 кун	00
➤ 90-180 кун	30
➤ 180-365 кун	50
➤ 365 кундан ошган	100

Дебитор қарздорликларни кадрсизланишидан олинган зарар дебитор қарзларнинг баланс қийматига мувофиқ маблағ тўламаслик эҳтимоли фоизини баҳолаш воситасида аниқланади. Шундай қилиб 90 кун оралиғидаги муддатда юзага келган дебитор қарзларга нисбатан зарар ҳисобланмайди.

Дебитор қарздорлик, ундириши нореал деб тан олинганда олдиндан шубҳали қарзлар учун шакллантирилган резерв (агар кўрсатилган дебитор қарзлар учун белгиланган бўлса) ҳисобидан тўлиқ суммада ҳисобдан чиқарилади. Резерв мавжуд бўлмаган тақдирда операцион харажатлар таркибидаги зарар, деб тан олинади.

Белгиланган муддатда тўланмаган ёки ундирилмаган ва мувофиқ кафолатлар билан таъминланмаган дебитор қарзлар бўйича захира куйидаги шартлар бажарилганда ташкил этилиши мумкин:

- инвентаризация ўтказилган ва даргумон қарзни кўшиб ҳисоблаганда дебиторлик қарздорлиги тўғрисида инвентаризация ўтказган комиссия баённомаси мавжуд бўлганда;

- қарздорлик маҳсулот (товар, иш, хизмат) учун ҳисоб-китоб бўйича мавжуд бўлган, яъни жамиятнинг асосий фаолияти бўйича;



- қарздорлик узилиши кафолатлари мавжуд эмас (қарздорнинг молиявий ҳолати, суд даъволари мавжудлиги, банкротлик процедураси эълон қилиниши ва бошқалар).

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ шубҳали ва ишончсиз қарзлар бўйича захиранинг ташкил қилиниш ва ишлатилиши тартиби 21-сон БҲМСга 2-иловининг 216-банди билан белгиланган.

Ундириш ишончсиз ва шубҳалиқарзлар бўйича захира ташкил этиш 9440 "Келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари" счётининг дебети ва 4910 "Даргумон қарзлар бўйича захира" счёти кредити бухгалтерия ёзуви билан қайд этилади.

Илгари Жамият томонидан шубҳали ва умидсиз қарз сифатида тан олинган қарзларни балансдан чиқариш 4910 "Даргумон қарзлар бўйича резерв" счётининг дебети 0940 "Бошқа узоқ муддатли дебиторлик қарзлари" счётининг кредити билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Агар шубҳали қарз бўйича резерв ташкил этилган йилдан кейинги йилнинг охиригача ушбу резервнинг маълум бир қисми ишлатилмаса, у ҳолда ишлатилмаган сумма тегишли йилнинг фойдасига кўшилади ва фойда солиғини ҳисоблашда солиқ базасига кўшилмайди.

Ишлатилмаган резерв суммасининг фойдага кўшилиши 4910 "Даргумон қарзлар бўйича резерв" счётининг дебетида ва 9390 "Бошқа операцион даромадлар" счётининг кредитида акс эттирилади.

Агар ҳисобот даврида олдинги даврда қардрсизланишдан зарар ҳисобланган дебитор қарздорлик ундирилса у ҳолда зарар қайта тикланиши керак. Қайта тиклаш натижасида активнинг баланс қиймати агар зарар тан олинмаганда ҳисобга олинган қийматдан ошмаслиги керак. Дебитор қарзни қардрсизланишидан олинган зарарни қайта тиклашдан олинган даромад жами даромад таркибида қайд этилади (СК.297-модда, 3-к.21-б.)

Тавсия этилади:

Мавжуд дебитор қарзлар устидан назорат ўрнатишни ташкил этиш мақсадида молиявий активларни (дебитор қарзларни) амортизацияланадиган (резерв ҳисобига қопланадиган) қиймат ва ҳаққоний қиймат бўйича баҳолаш.

12.Нақд пул маблағлари ҳаракатининг аудити

